

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ

ҲАЖИЕВ УЛУҒБЕК ҚЎЗИБОЕВИЧ

КОРХОНА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТИ
СИФАТИДА: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ҳажиев Улуғбек Қўзибоевич

Корхона фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида: назарий
ва амалий ечимлар..... 3

Хаджиев Улуғбек Кузубаевич

Предприятие как объект гражданско-правовых отношений:
теоретические и практические решения..... 25

Khadjiev Ulukhbek Kuzibaevich

Enterprise as an object of civil law relations: theoretical and practical
solutions..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
ХУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ҲАЖИЕВ УЛУҒБЕК ҚЎЗИБОЕВИЧ

**КОРХОНА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ОБЪЕКТИ
СИФАТИДА: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu244 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sudyalaroliymaktabi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Камалов Ойбек Ахматович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Имомов Нурилло Файзуллаевич юридик фанлар доктори, профессор Топилдиев Воҳиджон Раҳимжонович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Судьялар Олий мактаби ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD/37/27.02.2020.YU.107.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 март соат 14.30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100097, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел.: (99855) 501-01-89, факс: (99855) 501-01-89; e-mail: www.sudyalaroliymaktabi.uz@umail.uz).

Диссертация билан Судьялар олий мактабининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Интизор кўчаси, 68-уй. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2022 йил 15 март куни тарқатилди.
(2022 йил 14 март 2- рақамли реестр баённомаси).



К.О. Синдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, юридик фанлар доктори

У.М. Сайдахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.Б. Самарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар ранси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда корхоналар мулкый комплекс сифатида тадбиркорлик мақсадида фойдаланиладиган мол-мулк йиғиндисини ташкил қилади. Уларнинг ҳуқуқий муносабат объекти сифатидаги режими, ашёвий-ҳуқуқий ва мажбурият-ҳуқуқий муносабатлардаги ифодаланиши ўзига хос ўрин тутди. Корхоналар бизнесни сотиш, ижарага бериш ҳамда бошқа шартномавий муносабатларда объект сифатида ривожланган давлатлардаги иқтисодий муомаланинг йирик улушини ташкил этади. Бу ҳолат айниқса, йирик корхоналарни сотиб олиш орқали уларга инвестиция киритиш йўли билан бизнесни ривожлантиришда яққол намоён бўлади. Масалан, Швециянинг Ericsson компанияси 2021 йилда АҚШнинг Vonage компаниясини 6,2 млрд АҚШ долларига сотиб олган бўлса, Буюк Британиянинг Unilever компанияси “Ekaterra” чой бўлими ва “Lipton, Brooke Bond, PG Tips, Tazo” брендларини CVC Capital Partners инвестиция фондига 4,5 млрд еврога сотган¹. Корхона иқтисодий-ҳуқуқий муносабат объекти сифатидаги бундай йирик суммалардаги олди-сотдиси ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш заруратини кўрсатади. БМТнинг барқарор ривожланиш Дастурига киритилган масалалар ечимининг 60 фоизини кичик ва ўрта бизнес таъминлаб, иш ўринларнинг 70 фоизини яратмоқда². Ушбу ҳолатлардан англаш мумкинки, корхоналарнинг жамият ҳаётидаги ўрни, салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири ва ҳуқуқий асосларининг мукамаллиги нуктаи назаридан ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги рейтингини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда мулкый комплекс сифатида корхонага “бизнес” сифатида қаралади ва иқтисодий-ҳуқуқий муносабатнинг объекти сифатида ўз ҳуқуқий режимига эга. Шу боис корхонага нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш, унинг мулкый мажмуа сифатида турли иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар объекти бўла олишига нисбатан талабларни аниқлаш, корхона таркибига кирувчи кўчмас ва кўчар мол-мулклар, мулкый ҳуқуқлар, қимматбаҳо қоғозлар, виртуал мол-мулкларнинг ҳуқуқий мақоми турлича бўлишига қарамадан уларни битта умумий корхона режимига бирлаштириш масалаларни тадқиқ этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”нинг қабул қилиниши миллий қонунчилигимизда корхона институти ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур концепцияда корхона институтининг муҳим тармоқларини ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб берилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда корхоналар иқтисодиётда салмоқли улушни

¹ <https://inventure.com.ua/news/world>

² <https://news.un.org/ru/story/2019/06/1358131>

ташқил қилади. Уларнинг мамлакатимизда ўсиш тенденцияси ҳам бундан далолат беради. Масалан, 2021 йил 1 сентябрь ҳолатига жами 558 206 корхона ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган (шундан, хусусий корхоналар –83,6 мингта, масъулияти чекланган жамиятлар –19,4 мингта, оилавий корхоналар –27,5 мингта). Давлат иштирокидаги корхоналар сони 2 минг 541 та (шундан 1 минг 210 таси унитар корхона ҳисобланади)¹. Бироқ концепцияда қайд этилганидек, “бир-бирига ўхшаш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги қоидалар аралашмасидан ташқил топган юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг кўплиги (масалан, қонунчиликда хусусий корхона ва унитар корхона таркибига бошқа иштирокчиларнинг кириши назарда тутилмаганлиги, уларнинг инвестиция жалб қила олмасликларига сабаб бўлади) Фуқаролик кодексининг амалдаги таҳрири мамлакатда тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмаслигини кўрсатмоқда”.

Дарҳақиқат, МДҲ давлатларида, хусусан, Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигида корхонага нисбатан дуалистик ёндашув боис қизғин баҳс-мунозара давом этиб келмоқда. Бу, биринчи навбатда, қонунчиликда “корхона” атамаси яққа ҳолда қўлланилганда фуқаролик ҳуқуқларининг объекти, ушбу атамага аниқлаштирувчи сифатида бирор бир атама қўлланилганида (масалан, давлат корхонаси, унитар корхона, хусусий корхона каби) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ифодаланганлиги билан боғлиқдир. Корхонанинг объект сифатида мулкдордан бегоналаштирилиши, фойдаланишга, ишончли бошқаришга берилиши ёки ворислик асосида бошқа шахсга ўтишида юридик шахсни қайта ташқил этилишидаги каби кредиторлар билан боғлиқ таомилларнинг амал қилиши эса мазкур дуалистик ёндашувларни янада чуқурлаштиради. Шу сабабли бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқида корхонанинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти сифатидаги ҳуқуқий режимини аниқлаш, қонунчиликдаги дуалистик ёндашувларга барҳам беришнинг илмий-назарий ечимларини ишлаб чиқиш ва корхонанинг фуқаролик муомаласида бўлишини соддалаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги (2000), “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги (2001), “Банкротлик тўғрисида”ги (2003), “Хусусий корхона тўғрисида”ги (2003), “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги (2006), “Ипотека тўғрисида”ги (2006), “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги (2012), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги Ф–5464-сон фармойиши ва мавзуга оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹<https://m.kun.uz/news/2021/05/30/>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхона ва у билан боғлиқ битимларнинг айрим жиҳатлари цивилист-ҳуқуқшунос олимлардан Х. Азизов, М.Х. Баратов, С.Б. Бобоқулов, Д.М. Караходжаева, О. Оқюлов, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, Ш.Н. Рўзиназаров, Р.Ж. Рўзиев, Б.Б. Самарходжаев, В.Р. Топилдиев, М.Б. Усмонов, М.Ш. Чориевлар¹ томонидан умумий тарзда ўрганилган.

Жумладан, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров томонидан фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида корхона тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари умумий тарзда ёритиб берилган.

Р.Ж. Рўзиев, В.Р. Топилдиев, М.Ш. Чориевларнинг илмий ишларида корхонанинг таркибий қисмлари, унга боғлиқ битимларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий тартибга солишга оид масалаларнинг илмий муаммоларига эътибор қаратилган.

С.Б. Бобоқулов ва Р.Ж. Рўзиевларнинг илмий ишларида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ижара шартномаси ва у билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар чуқур таҳлил этилган.

Т. Бекмуродов ва М.Ш. Чориевларнинг илмий ишларида корхонанинг ҳуқуқ субъекти сифатидаги тушунчаси ва моҳиятига катта эътибор берилган. Б.У. Пўлатовнинг илмий ишларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ корхона (бизнес) мулк шаклига эътибор берилган.

МДҲга аъзо давлатларда ҳуқуқшунос олимлар А.В. Грибанов, К.Д. Гайбатова, Ю.Ф. Дружинина, О.Е. Романов, И.П. Зиновьев, Ю.С. Поваров, Ю.И. Тутаева, М.Х. Хасенов²ларнинг илмий ишларида корхонанинг у ёки бу жиҳатлари таҳлилини кўриш мумкин.

Хорижий олимлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида корхона ва унинг айрим жиҳатлари Niklas Elert, Magnus Henrekson, Mark Sanders, Asta Jakutyte-Sungailienė, С. Cevenini, F.Andrade, K.W.Sommerlad³ ва бошқалар томонидан корхона таркиби, у билан тузиладиган битимларнинг ҳуқуқий табиати, кўчмас мулкни баҳолаш, корхонанинг номоддий элементлари сифатида товар белгилари, фирма номидан фойдаланиш каби масалалар тадқиқ этилган.

Гарчи, мазкур олимлар томонидан корхона фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинган бўлса-

¹Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

²Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

³Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

да, корхона фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари ва регулятив жиҳатлари алоҳида комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ “Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ички ишлар органлари иштироки: ҳолати, муаммолари ва ечимлари” илмий тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхонанинг ҳуқуқий мақоми, ҳолати ва унга тааллуқли ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича илмий-назарий, амалий тавсиялар ҳамда таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

корхонанинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти сифатидаги тушунчаси ва тавсифини ишлаб чиқиш;

мулк ҳуқуқи объекти сифатида корхона таркибини аниқлаш муаммоларини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш;

корхона мақомини белгиловчи фуқаролик қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларини очиб бериш;

мулкни бегоналаштиришга оид муносабатларда корхонанинг объект сифатидаги хусусиятларини аниқлаш ва ҳуқуқий режимини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

корхонага нисбатан ижара шартномасини қўллашнинг моҳиятини очиб бериш;

мулкний комплекс сифатида корхона билан тузиладиган ишончли бошқариш шартномасининг ўзига хос хусусиятларини ишлаб чиқиш;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхонага нисбатан мулк ҳуқуқини амалга ошириш, корхонага ворисликни қўллашга оид нормаларни такомиллаштириш юзасидан ҳамда илмий-назарий, норматив ва амалий материаллар асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида корхона билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида корхона билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик илм-фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик сўров, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўчмас мулк объекти бўйича битимни инсофли равишда тузган тарафлар кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги нотўғри ахборот оқибатида кўрган зарарлари тегишли давлат органлари томонидан суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида қопланиши лозимлиги асослантилган;

кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши, қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш, кредиторларнинг талаблари реестрига киритиладиган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тартиб-таомилларини белгилаш асослантилган.

ташкилий-ҳуқуқий шакли жиҳатидан хусусий корхона ўзининг тўлик фирма номи давлат тилида ифодаланган, жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши ҳамда хусусий корхона муҳрида бир вақтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкинлиги асослаб берилган;

давлат корхонасининг ўз фаолиятдан олинган даромадлари, шунингдек, давлат корхоналарининг бошқа жамият устав фондидаги улуши бўйича дивиденди давлат корхонасининг мулки бўлиши асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхонага нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган ягона мулкӣ комплекс эканлиги асослантилган;

виртуал корхонанинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, корхонани фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида виртуал маконда муомалада бўлишини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини яратишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

корхона сотилганида унда ишловчи ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мақсадида корхона ходимларининг меҳнат муносабатлари сақланиб қолиши ҳамда уларнинг олдидаги корхонанинг мажбурияти сотиб олувчига ўтиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

корхонага нисбатан ворисликни қўллашга оид қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида” 05-сон қарорида акс эттиришга оид тавсиялар асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўровноманинг анкета шаклларига асосланган, статистика маълумотларини таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, фуқаролик, тадбиркорлик қонунчилиқ ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчилиқни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот таҳлили ва хулосаларидан фуқаролик муомаласи объекти ҳисобланган корхона билан боғлиқ битимларни ҳуқуқий тартибга солишда, корхона ҳақидаги назарий билимларни бойитишда ва фуқаролик муомаласида корхона билан боғлиқ битимларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги билан аҳамиятлидир.

Илмий тадқиқотда билдирилган таклифлар, тавсиялар, фикр ва мулоҳазалар қонунчилиқдаги, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг корхона таркиби ва у бўйича тузилган битимларни тартибга солувчи нормаларни такомиллаштиришда ҳамда ноаниқликларни бартараф этишда, фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича дарслиқлар, ўқув қўлланмалар ва дастурий кўрсатмалар тайёрлашда, тегишли илмий тадқиқот ишларида, жумладан, нотариат, суд ва амалиёт ходимлари учун ўзига хос манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Корхона фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида: назарий ва амалий ечимлар” тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхонага доир ҳуқуқларини давлат рўйхатидан кўчмас мулк тарзида рўйхатга олинишига, мулкӣ комплекс сифатида корхона таркибига кирувчи моддий ва номоддий неъматларни давлат реестридаги нотўғри ахборот оқибатида кўрган зарарлар суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида қопланишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилиқ палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 18 январь 2021 йилдаги 04/2-02-11-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар ташкил этилган корхоналарни кўчмас мулк сифатида кадастрга доир ҳуқуқларидан самарали ва мақсадли фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини ҳамда корхоналарни давлат реестридаги нотўғри ахборот оқибатида кўрган зарарлар суд органлари томонидан самарали ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилган;

кредиторлар ҳуқуқларини, қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятининг бажарилиши таъминланишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 05-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалиқ суди Пленумининг айрим қарорларига” ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалиқ суди Пленумининг баъзи қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарорининг 19 бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон

Республикаси Олий судининг 2021 йил 7 декабр кунги 11-83-21-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларнинг иқтисодий суд томонидан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатиш тартиб таомилларини белгилашга хизмат қилган;

хусусий корхона ҳуқуқий мақомини ва уни номоддий неъмат элементларига бўлган ҳуқуқларини янада таъминлашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасида ўз ифодасини топган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг 18 январь 2021 йилдаги 04/2-02-11-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар хусусий корхоналарга ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнининг енгиллаштирилишига, электрон имзо, ҳужжатлар алмашинувида автоматлаштирилган тизимга ўтилишига хизмат қилган;

давлат корхонасининг ўз фаолиятдан олинган даромадларга бўлган ҳуқуқига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июндаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган давлат корхоналари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 14-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2021 йил 7 декабр кунги 12/21-52-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши давлат корхоналарининг бошқа жамият устав фондидаги улуши бўйича дивиденди давлат корхонасининг мулки бўлишининг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот ишининг асосий натижалари 6 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияда, жумладан, 2 та халқаро илмий-амалий ва 4 та республикадаги илмий-назарий ҳамда илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусига оид жами 18 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 8 та илмий мақола (жумладан, 1 таси хорижий Scopus журналида, 1 таси SJIF журналида), 9 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг натижаларини амалиётда жорий этилиш ҳолати, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида корхонанинг умумий тавсифи”** деб номланган бўлиб, унда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Диссертантнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти фуқаролик ҳуқуқининг объектига қараганда кенг тушунча эканлигини эътироф этган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг келишуви нимага қаратилган бўлса, ўша ашё, жисм, нарса, буюмлар ҳисобланиши, фуқаролик ҳуқуқининг объекти деб эса, Фуқаролик кодексда белгиланган моддий ва номоддий неъматлар объектлар сифатида қараш мумкинлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектлари ашё, ҳаракат, неъмат сифатида намоён бўлиши ҳамда улар ўртасидаги фарқлар очиб берилган.

Муаллиф корхонани таърифлашда методологик жихатдан ёндашув тўғри эканлигини асослаб, корхона концепциясини таҳлил қилиш учун тўртта асосий концептуал ёндашувни белгилайди ва таҳлил қилади: *“корхона юридик шахс мулки”*, *“корхона тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи мол-мулк”*, *“корхона мулкий мураккаб ашё”*, *“корхона мулкий комплекс”*.

Диссертант фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхона *“иқтисодий маънода”* ва *“юридик маънода”* ўзига хос белгиларга эга эканлигини таъкидлаб, иқтисодий жихатдан корхонага фақат моддий неъмат ва пул маблағларидан ташқари, у билан боғлиқ бўлган ашёлар ва баҳоланиши мумкин бўлган номоддий неъматлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Юридик маънода эса, корхона, шу жумладан, ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатлар (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари)га бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлардан иборат эканлигини изоҳлайди. Тадқиқот ишида мулкий комплекс корхона деб ҳисобланиши учун тўртта белги ажратилган. *Биринчидан*, корхона ўз таркибига кўра моддий ва номоддий элементларни бирлаштирувчи мураккаб мулкий комплекс; *иккинчидан*, корхона интегратив бирликни ташкил этади; *учинчидан*, корхона эксплуатация қилинадиган (амалда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш имкониятига эга бўлган) мулкий комплекс; *тўрттинчидан*, корхонани ташкил этувчи мулкий комплекс тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган. Кўриниб турибдики, *биринчи* ва *тўрттинчи* белгилар соф ҳуқуқий аҳамият касб этади. *Иккинчи* ва *учинчи* белгилар эса, кўпроқ иқтисодий асосларга таяниш билан бирга,

қатор ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради ва мулкӣ комплексни ҳуқуқий жиҳатдан корхона сифатида таърифлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотчи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектига оид кўплаб ҳуқуқшунос олимлар (М.И. Брагинский, Р.Ж. Рўзиев, Ҳ. Раҳмонкулов, Е.А. Суханов, А.П. Сергеев, М.В. Телюкина, В.Р. Топилдиев, М.Ш. Чориев)нинг фикрларини таҳлил этади. Диссертант билдирилган фикрларни таҳлил этиб, ўзига хос белгиларни ҳисобга олган ҳолда корхона тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини беради, яъни *“фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида корхона тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиладиган ягона мулкӣ комплекс ҳисобланади”*. Унда корхона фаолияти ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳамда предметига доир масалалар таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида хорижий мамлакатлар (Германия, Португалия, Англия, Италия, Франция) қонунчилиги таҳлил қилиниб, контрагентлар мулкӣ манфаатларининг кафолатини етарлича таъминлаш мақсадида, корхона объект, яъни мол-мулк комплекси сифатида эътироф этилиши ва фойдаланилиши таклиф этилган.

Диссертацияда корхона таркибидаги моддий ва номоддий элементлар тушунчаси, турлари ва табиати, ҳуқуқий режими, уларни тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи турли ҳуқуқий воситалар, баҳолаш, янги мулкдорга ўтиш тартиблари таҳлил этилади. Шундан келиб чиқиб, ФК 85-моддасига мулкӣ комплекс бўлган корхона таркибидаги кўчмас мол-мулкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда корхона қарзларини ўтказишга нисбатан юридик шахсни қайта ташкил этишдаги кредитор ҳуқуқларига оид қоидалар қўлланилиши билан боғлиқ қоидалар киритилиши тадқиқот ишида асослаб берилган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, мулкӣ комплекс корхона таркибидаги моддий неъматлар ашёлар кўринишида бўлиб, улар фуқаролик ҳуқуқида иқтисодий белгиланганлигига, шунингдек ҳуқуқ нормаларида акс эттирилган жисмоний ва бошқа хусусиятларига қараб турларга бўлинишини кўрсатади. Бу ҳолат турли ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши мумкинлигидан далолат беради. Тадқиқотчи ашёлар ўртасидаги бу фарқлар *“ашёларнинг ҳуқуқий режими”* деб номланади деган хулосага келиб, унга қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини беради: *ашёларнинг ҳуқуқий режими – бу қонунчилик томонидан ўрнатилган ашёлардан фойдаланиш тартиби, усуллари ва меъёрлари ҳамда тасарруф этиши, ҳуқуқларни ҳимоя қилишининг ўзига хос хусусиятлар жамланмаси.*

Тадқиқот ишида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили натижаси бўйича мулкӣ комплекс сифатида корхонага нисбатан мулк ҳуқуқини ва у билан тузиладиган битимларни *рўйхатга олиш тартиби ва тизими* ҳамда *давлат рўйхатидан ўтказиш* масалалари ягона қонун билан тўлиқ ва аниқ тартибга солинмаганлиги, шу сабабли қонуности ҳужжатларда корхона

тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида, Фуқаролик кодексида назарда тутилгани каби корхонани объект сифатида эътироф этилмаётганлиги қонунчилигимиздаги бўшлиқлардан бири бўлиб қолаётганлигини қайд этилган. Давлат рўйхатидан ўтказиш органларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш жараёнида масъулиятини ошириш, етказилган зарар ўрни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида қопланиши лозимлиги қайд этилиб “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасини такомиллаштиришга оид таклиф асослантирилган.

Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан номоддий неъматларни мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, саноат мулки ва муаллифлик ҳуқуқи объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар, хизмат ва тижорат сири, корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга бўлган ҳуқуқлар каби турларга ажратиб ўрганади ва тадқиқот натижалари бўйича илмий хулосалар беради.

Тадқиқотчининг нуқтаи назарига кўра, ишлаб турган корхона таркибига мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шартнома, деликт ҳамда товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардаги камчиликлар туфайли юзага келиши мумкин. Демак, агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, корхонани топшириш жараёнида корхона таркибидаги сотувчининг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари корхона топширилгунга қадар бўлган ҳажмда сотиб олувчига ўтказилиши мумкин. Тадқиқотчининг назарида фирма номи (фирма) корхонанинг ўзини эмас, балки унинг мулкдорини индивидуаллаштиришини, мақсади корхона мулкдорини аниқ кўрсатиш, даромад олишга кенг имконият яратиш сабабли ҳам корхона таркибига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 97-моддаси ҳамда “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонунининг мазмунида корхонани индивидуаллаштирадиган “*нешлавҳа*” тушунчасини қўллаш лозимлиги ва бу корхонани бошқалардан ажратиб туришга хизмат қилишини асослаб беради. Муаллифнинг фикрича, корхона таркибига *мижозлар* ҳам киритилиши, улар корхонанинг маҳсулот ва хизматларини истеъмол қилувчилар билан ўрнатган мустаҳкам ва барқарор хўжалик алоқа, корхонанинг самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган элемент эканлиги, шу қаторда “*веб-сайт*” ва “*домен номи*” тушунчалари қонунчиликда ўз ўрнига эга бўлишини қайд қилади. Улар номоддий актив сифатида корхонанинг умумий баҳоси ва сердаромадлигига сезиларли таъсир кўрсатишини асослаб беради.

Диссертант фикрича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қоидаларига кўра битимларни тузишда корхонани индивидуаллаштирадиган белги муҳрдан фойдаланиш мажбурий шарт қилиб қўйилмаган. Муҳрнинг белгиси йўқлиги битимнинг ноқонуний тузилганлигига олиб келмайди, асосий талаб ваколатли шахсларнинг имзосидир. Фақат қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина

мухрдан фойдаланиш шарт. Тадқиқотда диссертант муҳр ҳужжатнинг хавфсизлигини, унинг махфийлигини таъминлашнинг ягона ва самарали воситаси эмаслиги, унинг ўрнига, ҳозирги ахборот-технология ривожланган даврда электрон рақамли имзо, корхоналарнинг махсус бланкаси, голографик муҳрлар аҳамияти ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонунини такомиллаштириш зарурати илгари сурилган.

Диссертациянинг **“Корхона объекти бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ва таснифи”** деб номланган иккинчи бобида корхоналар бўйича тузиладиган битимларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ҳамда корхонани сотиш ва ижарага беришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, шартнома бўйича тарафлар жавобгарлигига оид (Р.Ж. Рўзиев, А. Абзалов, М.И. Брагинский, Р.Я. Бикеев, В.В. Витрянский, С. Жамен, Р. Лакур, У. Маттеи, Ҳ. Раҳмонқулов) олимларнинг фикрлари ҳамда хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Франция), бундан ташқари, Украина, Қозоғистон қонунчилиги таҳлил қилиниб тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертант фикрича, корхона бўйича тузиладиган битимлар орасида корхонани сотиш ва ижарага бериш шартномалари бошқа битимлардан фарқли равишда, шартномаларни *тузиш ва расмийлаштиришда, мулкий комплексни топширишда* ҳамда улар юзасидан *келиб чиқадиган жавобгарлик* вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхонани сотиш ва ижарага бериш шартномаларининг предмети ҳисобланган корхона – юридик жиҳатдан бўлинмайдиган мулкый комплекс эканлиги қайд этилади. Сотиладиган корхонани баҳолаш шартноманинг муҳим шarti эканлиги, корхонани баҳолашда уни ташкил этувчи мол-мулк баҳосидан ташқари, *бизнес каби унинг имкониятлари, миқдорлари сони* ва улар билан ўрнатилган *барқарор алоқалар* инobatга олиниши асослаб берилган.

Диссертантнинг нуқтаи назарига кўра, корхонани сотиш ва ижарага бериш шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш сотувчидан ҳам, ижарага берувчидан ҳам бошқа шартномаларга хос бўлмаган бир қатор ҳаракатларнинг бажарилишини талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, муаллиф корхона сотилганида корхона ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақдирини аниқлаганлигига оид нормаларни ФКнинг 489-моддасида ифодалаш лозим, – деган хулосага келади.

Тадқиқот ишида корхонани сотиш шартномасини бажаришнинг мажбурий шarti кредиторлар хабардор қилинишининг зарурлигини инobatга олиб, ФКни 490-моддасини такомиллаштириш зарурати асослантирилган. Бундан ташқари, шартнома тузиш эркинлиги тамойилига мувофиқ, сотиладиган корхона таркиби ва унинг қиймати тарафларнинг келишувига биноан аниқланиши лозимлигига оид қоидадан келиб чиқиб, ФКнинг 491-моддаси биринчи қисмининг янги таҳрири таклиф этилган. Муаллифнинг ёзишича, корхона таркибидаги объектларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиш пайти ва бошқа ҳуқуқларнинг сотиб олувчига ўтиш пайти

аниқ белгиланиши, ҳуқуқларнинг ўтиш пайти аниқлаштирилиши лозим. Тадқиқот ишида корхона сотилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши корхона таркибидаги мол-мулк турларига бўлган ҳуқуқларни юридик расмийлаштиришнинг турли хилда эканлигидан келиб чиқиб, ФКнинг 494-моддаси биринчи қисмини янги таҳрирда ифодалаш лозимлиги асослаб берилган.

Диссертантнинг фикрича, ФКнинг 579-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган уч ойлик муддатни ҳисоблаш усули баҳсли вазиятларни юзага келтириши мумкин. Хусусан, ижарага берувчининг корхонани ижарага бериш тўғрисида юборган хабарини кредитор томонидан олинган санасини аниқлашнинг ўзи анча мураккаб (масалан, хабар жўнатилган санадан ҳисобланадими ёки кредиторлар томонидан олинган санаданми?). Бундан ташқари, кредитор ижарага берувчи томонидан юборган хабарни олган ёки олмаганлигига ишонч ҳосил қилиш ҳамда ФКнинг 492-моддаси биринчи қисмида ҳамда ФКнинг 579-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келмаслиги учун корхона сотувчининг ёки ижарага берувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уч ойлик муддатни аниқ ҳисоблаш мақсадида, ФКнинг 492-моддаси биринчи қисмига *“ёки корхонани сотилиши тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан бошлаб”* ҳамда ФКнинг 579-моддаси иккинчи қисмига *“ёки корхонани ижарага бериш тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан бошлаб”* деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган. Шу каторда, диссертант корхона кредиторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, корхона таркибидаги қарзлар рўйхатида назарда тутилган кредиторлар корхонанинг сотилиши ёки корхона ижарага берилиши тўғрисида хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганидан кейин шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Диссертантнинг фикрича, корхона сотувчи (ижарага берувчи)нинг корхона таркибидаги камчиликлар бўйича сотиб олувчи (ижарага олувчи) олдидаги жавобгарлиги корхона сифатига ҳам тааллуқли бўлиши лозимлиги қайд этилган. Бу сифатлар бутун корхона ёки унинг таркибидаги алоҳида элементларда акс этиши мумкинлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, тадқиқот ишида ижарага олинган корхонадан фойдаланишда ижарага олувчининг ҳуқуқларини доирасини кенгайтириш ҳамда унинг ваколатлари корхона таркибига кирувчи муайян турдаги мол-мулкларга қўлланилмаслигига оид аниқлаштирувчи қоидаларни ФКнинг 583-моддаси биринчи қисмига киритишга оид таклифлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, ишда корхонани ижарага бериш тўғрисида кредиторларни хабардор қилмасликнинг оқибатлари амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топмаганлиги танқидий ўрганилиб, хабардор қилинмаган кредитор корхона ижарага берилганлигини билган пайдан бошлаб бир йил ичида даъво қўзғатиши мумкинлиги ҳақидаги нормани ФК (579-модда)га киритиш ғояси илгари сурилган. Корхона ишончли бошқариш шартномасининг объекти ҳисобланиши ва бу бевосита қонуний асосларга кўра ишончли бошқаришга

бериш мумкинлиги таҳлил қилиниб, ФКга янги “Қонунда белгиланган асослар бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш” номли 861¹-моддани киритиш таклиф этилган ва унинг мазмуни ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Корхона объекти бўлган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш: назарий ва амалий ечимлар”** деб номланган учинчи бобда корхоналар бўйича тузиладиган кўчмас мулк гарови, корхонани мерос қолдиришга оид тузиладиган битимларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Диссертацияда корхонага нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш, корхона ворислиги, виртуал корхонанинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатидаги мақомини белгилаш масалалари ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга оид олимлар (Х. Раҳмонкулов, А.В. Бегичев, М.И. Брагинский, В.А. Белов, М.Ш. Бадалов, М.И. Кулагин, Р. Сивараман, А.В. Катаев, Р.Д. Льюис, Л.Г. Агниашвили)нинг фикрлари ва хорижий (АҚШ, Германия, Франция) ҳамда МДХ давлатлари (Украина, Қозоғистон) қонунчилиги таҳлил этилиб, муайян таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича корхона ипотекаси ҳам ашёвий-ҳуқуқий, ҳам мажбурият-ҳуқуқий белгиларга эга бўлган ягона ҳуқуқий институтни намоён этади. Бу гаровнинг юридик тузилмаси икки хил ҳуқуқий муносабатнинг тартибга солишга имкон яратади. Биринчидан, *асосий* – гаровга (ипотекага) қўювчи билан гаровга (ипотекага) олувчи ўртасида, иккинчидан, *иккиламчи* – гаровга (ипотекага) қўювчи ва ашё ўртасида, яъни гаров бир томондан, кредитор билан ҳуқуқий алоқани ўрнатиш йўли билан қарздорнинг мажбуриятларини таъминлаш усули бўлса, бошқа томондан – гаровга қўювчи билан гаровга қўйилган мулк билан ҳуқуқий алоқани таъминлаш усулидир.

Таҳлиллар асосида муаллиф қонунчиликда *қонун асосида гаров* юзага келишининг бир неча ҳолатлари назарда тутилган бўлса-да, корхона ипотекасининг вужудга келиш асоси *фақат шартнома* бўлиши, мулккий комплексни ташкил қилиниши ва ишлаши учун зарур бўлган мулклар миқдори ҳар қайси корхона учун индивидуал белгиланиши, энг аввало, унинг фаолият предметига боғлиқлиги, ишлаб чиқарилган *тайёр маҳсулот*ни ва уни реализациясидан олинган *фойдани* корхона даромади ва ипотекага қўювчининг кредит тўлов қобилиятининг манбаи сифатида қараш кераклигини асослаб берган.

Тадқиқотчининг нуқтаи назарига кўра, корхона қарзлари унинг таркибига киради ва, агарда гаровга қўювчи жавобгарликка тортилган тақдирда, кредиторлар томонидан ундирувга қаратилган объект ҳисобланиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддаси биринчи қисми диспозициясини корхона таркибига кирувчи яна бир элемент билан тўлдириш ҳамда ипотека тўғрисидаги шартнома ва бошқа қонунда кўрсатилган ҳужжатлар билан бир қаторда, рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган зарурий ҳужжатлар сифатида ФК

491-моддаси иккинчи қисмида корхонани сотиш шартномасига нисбатан назарда тутилган корхона таркибига киритилган *барча қарз (мажбуриятлар) рўйхатини*, шунингдек кредиторлар, улар қўяётган *талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳужжат* ҳам назарда тутилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонунининг моддаларини таҳлил қилиш жараёнида *банкротлик иши қўзғатилган ёхуд тугатилаётган ёки қайта ташкил этилаётган корхонани* ипотекага беришни қонуний тақиқловчи норма йўқлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонунининг 57-моддасига банкротлик иши қўзғатилган ёхуд тугатиш ёки қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган корхонага нисбатан унинг *ипотекасига тақиқ қўйилишини таъминловчи қўшимча норма* киритиш мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

Ипотека шартномасининг муҳим шартларидан бири бу таъминладиган мажбурият суммасининг аниқ миқдоридир. Бироқ диссертант фикрича, *келгусида* аниқланиши лозим бўлган мажбурият суммаси ипотека билан таъминланиши мумкин дейилган Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги Қонуни 10-моддаси еттинчи қисмининг диспозицияси айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки бу қоида ипотека шартномасини тузишнинг умумий нормаларига зиддир. Ваҳоланки, мазкур шартноманинг муҳим шартларидан бири бу *таъминладиган мажбурият суммасининг аниқ миқдоридир*. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотда мазкур норма диспозициясидан шартнома тарафлари ўртасида *“келгусида вужудга келиши мумкин бўлган мажбуриятлар”* тўғрисидаги таърифни чиқариб ташлаш тўғрисидаги фикр асослаб берилган.

Тадқиқотчининг нуқтаи назарига кўра, мерос мулк сифатида корхона таркиби бир бутун фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатида корхона таркибидан фарқ қилади. Чунки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида корхона таркибига кирувчи ҳуқуқ ва қарзларнинг барчаси ҳам мерос тариқасида қолдирилмайди. Чунончи, лицензия асосида мулкдорга тегишли бўлган корхона ҳамда унинг таркибига мулкдорнинг ҳаётлиги даврида унга тегишли бўлган номулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мерос тариқасида корхона билан бирга топширилмайди. Мазкур мулккий комплекс таркибида, лицензия асосида корхонадан фойдаланишда пайдо бўлган пул кўринишидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳамда корхона мулкдори ҳаётлиги даврида рўйхатга олинган ва корхона таркибига киритилган товар белгиларига бўлган ҳуқуқ, агарда товар белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилиш муддати ўтиб кетмаган бўлса, бутун корхона билан мерос тариқасида қолдирилиши мумкин. Тадқиқотчининг нуқтаи назарига кўра, ФКнинг 1152-моддаси корхонага ворисликнинг муҳим жиҳатлари, хусусан, якка тартибдаги тадбиркор меросхўр ёки васиятнома бўйича тижоратчи ташкилот меросхўр бўлганида ворисликнинг хусусиятларини инобатга олмайди, шу сабабли бундай қоида мазкур нормада белгиланиши зарур. Шунингдек,

диссертацияда қабул қилиниши режалаштирилаётган Тадбиркорлик кодекси лойиҳасига тадбиркорлик фаолиятининг объекти сифатида корхонанинг ҳуқуқий режимига оид қоидаларни киритиш ғояси ҳам илгари сурилган.

